

## Фаришталарни мафтун этган дуо

Image not found or type unknown



09:00 / 17.01.2023 3625

هَي فَاكْرَابِم اَبِي طَارِي ثَك اَدْمَح دَمْح لَأ كَل وَا نَبْر

Роббана ва лакал ҳамду ҳамдан касийрон тоййибан мубарокан фийҳи. Маъноси: «Эй Раббимиз! Сенга кўп, пок ва муборак ҳамду сано бўлсин». Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Рифоъа ибн Рофиъ айтади: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларида намоз ўқиётган эдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак бошларини рукудан кўтариб, «Самиаллоҳу лиман ҳамидах», деганларида жамоатдан бир киши «Раббана ва лакал ҳамду ҳамдан касиран тоййибан мубарокан фийҳи», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни тугатгач: «Гапирган ким?» дедилар. Ўша киши: «Ё Расулуллоҳ! Мен ўқидим», деди. Буни эшитган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Валлоҳи, мен ўттиз

нечта фариштанинг бу сўзни эшитиб, ким олдин ёзиш учун шошиб келаётганини кўрдим», дедилар.

«Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак 101 дуолари» китобидан